



Бекарор дунёда қолмас табассум,

Боқийлик барҳақдур Аллоҳга унда.

Фонийдур, мулкинг ҳам, наслинг ҳам бешак,

Қайюмлик Аллоҳга хосдир мазмунда.

Уйланганимга етти йилдан кўпроқ вақт бўлди. Аллоҳга шукр, орзу қилган ҳамма нарсамни топдим. Мен ишимда ўз ўрнимни топганман ва турмушимдан мамнунман. Фақат зерикишдан шикоят қиласман. Чунки мен хотиним билан шу ўтган йиллар давомида фарзанд кўрмадик. Мана шундан зерикиш бошланди. Дўхтирларга мурожаат қилиш кўпайди. Бу ишда бор кучимни сарфладим деб ўйлайман. Ўз шаҳримиздаги ва чет эллардаги шифокорларга мурожаат қилдим. Бепуштликни даволашда мутахассис бўлган биронта табибни эшиксам, у билан учрашиш учун навбат оламан. Текширишлар кўп, дорилар ундан ҳам кўп. Лекин фойда йўқ. Мен билан хотиним ўртасидаги сухбатнинг кўпроғи “Фалон” табиб ҳақида бўладиган бўлиб қолди. “Нима деди?”... “Нимани кутяпмиз?”... Кутишлар бир йил ёки икки йилга чўзилиб кетарди. Даволаниш муддати эса узок. Улардан баъзи бирлари бепуштлик менданлигини айтишса, баъзилари бепуштлик хотинимдан дейишади. Нима бўлганда ҳам...

Кунларимиз табибларга мурожаат қилиш ва ечимни излашда ўтарди. Бола ташвиши бизнинг туйғуларимизни эгаллаб олди, буни хотинимга билдирамаслика ҳарат қилишимга қарамасдан, лекин бўлаётган воқеаларни у билмасдан иложи йўқ эди. Саволлар кўп. У ерда баъзилар хотинимдан “Нимани кутяпсан?”- деб унга маслаҳат



беришади. Фалончихон унинг олдига бориб, бола кўрибди ва фалончи...

Мана шундай қилиб хотинимнинг дугоналари кўплаб саволлар ва маслаҳатлар беришарди. Лекин бирон киши бизга айтмадики, нима учун биз Аллоҳга юзланиб, ундан самимий дуо қилиб сўрамаяпмиз? Биз табибларнинг орқасидан ҳаллослаб югуриб елиб етти йил ўтиб кетди. Дуони ва Аллоҳга юзланишни эса ташлаб қўйдик.

Бир куни кечаси йўлдан нариги томонга ўтаётсам, бир кўр киши йўлдан ўтмоқчи бўлиб турган экан. Уни йўлнинг у томонига ўтказиб қўйиш учун қўлидан ушладим. Йўл катта ва икки ёқлама бўлгани учун биринчи томонини кесиб ўтиб, сайёralар (машиналар) камайишини кутиб, йўлнинг ўртасида тўхтадик. У вақтдан фойдаланиб, менга тавфиқ ва соғлик тилаб дуо қилгандан кейин:

- Уйланганмисан?- деб сўради.
- Ха,- дея жавоб бердим.

У яна:

- Фарзандларинг борми?- деди.
- Аллоҳ буни тақдир қилмади,- дедим унга. Етти йилдан бери хурсандчилик кутаётганимизни айтдим. Йўлдан ўтдик. У билан хайрлашмоқчи бўлганимда, у шундай деди:
 - Эй ўғлим, сенинг бошингга тушган бу мусибат менинг ҳам бошимдан ўтган, мен ҳар намоздан кейин Закарийё алайҳиссаломнинг дуосини қиласдим:



“Роббим мени ёлгиз қолдирма, Сен ворисларнинг энг яхшиисисан (яъни ҳамманинг ортида қолгувчидирсан)».

Аллоҳга шукр, ҳозир менинг еттиға фарзандим бор. Дуони унутма, деб қўлимни сиқиб қўйди.

Мен йўқотган нарсами топгандим.

Хотинимга бўлган воқеани айтиб бердим ва у билан сухбатлашдик.

Нимага биз дуо қилмадик?

Ҳамма нарсани қидирдик, тажриба қилдик.

Эшитган ҳамма табибининг эшигини қоқдик.

Нима учун биз Аллоҳнинг эшигини қоқмадик?! Ваҳолангки, унинг эшиклари кенроқ ва яқинроқдир. Хотиним бундан икки йил олдин бир қари хотин унга “Дуога маҳкам бўл”, - деб айтганини эслади. Лекин хотиним айтганидек, ўша пайт бизнинг табиблар билан ҳисобсиз учрашувларимиз бор эди. Бизнинг табибларга мурожаатларимиз бирон қайғуриш ва ҳаяжонланишсиз оддий мурожаатларга айланиб қолган эди. Бирон сабаб бўладиган, фақат аниқ давони излардик.

Фарз намозлари ва тунги намозларда қалбларимиз билан Аллоҳга юзландик. Дуо қабул бўладиган вақтларга риоя қилдик. Ноумид бўлмадик ва қайтарилмадик. Аллоҳ ижобат эшигини очди. Хотиним ҳомиладор бўлди ва бир қиз фарзандли бўлдик.

«Энг яхши яратувчи - Аллоҳ буюқдир».

Шоду-хуррамликни яшира олмадик. Биз ҳозир Аллоҳга шундай дуо қиляпмиз:

“Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ҳадя этгин ва бизларни тақвадорларга пешво қилгин”.